O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 26-iyun • Payshanba • 77 (27.882) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн тўртинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси 2008 йил 27 июнь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2008 йил 26 июнь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

ЙЎЛЛАР ОБОД, КЎНГИЛЛАР ОБОД БЎЛМОҚДА

Маълумки, йўллар ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий фаровонлигини таъминлашда, телекоммуникациялар тармоғини ривожлантиришда беқиёс аҳамиятга эга. Шу боис истиқлол йилларида юртимизнинг ҳар бир ҳудудида замонавий йўллар барпо этиш, мавжудларини жаҳон андозалари асосида реконструкция қилиш ишларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Айни кунда Фарғона водийсини пойтахтимиз билан боғловчи автомагистралда бунёд этилаётган улкан кўприк шу соҳадаги ишларнинг изчил давомидир. Мазкур иншоот барпо этилгач, Тошкентга борувчи автомашиналарнинг Қўқон шаҳридан ўтишига эҳтиёж қолмайди. Ҳар куни водийдан пойтахтга минглаб автомашиналар қатнашини инобатга оладиган бўлсак, бу юртдошларимиз учун яратилаётган навбатдаги беқиёс қулайлик эканлиги аён бўлади. Қолаверса, кўприк ишга тушганидан сўнг масофа 15 километрга қисқаради.

Бунёдкорлик ишларини «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси тизимига қарашли «Шарқий» халқаро аҳамиятга эга автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш давлат корхонаси амалга оширмоқда. Ҳозир йўлсозлар «А-373 Тошкент — Ўш» автомобиль йўлининг 216-274 километр қисмида реконструкция ишларини олиб боришмоқда. Бу ердаги йўл узунлиги 23,5 километрни ташкил этиб, айни кунда 12 километрлик қисмига асфальт ётқизилди. Шунингдек, 24 метр ва 80 метр узунликда иккита кўприк қурилиш жадал суръатларда олиб борилмоқда.



Мазкур йўл асосан Марказий Фарғона чўлининг ўртасидан ўтган бўлиб, кейинчалик бу ерда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида йўл бўйларида савдо, автомобилларга ёнилғи қуйиш ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, ошхона, автомобиль турар жойи қурилиб, қўшимча иш ўринлари ташкил этилади.

Суратларда: *янги қурилаётган кўприк ва йўл; оғир кран машинисти Турдиали Йўлдошев.*

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

2008 йил 24 июнь куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни комиссия Раиси Мирза-Улуғбек Абдусаломов олиб борди.

Мажлисда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига асосан айрим Сенат аъзоларининг ваколатлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг жорий йилнинг биринчи ярмида амалга оширган ишлари муҳокама қилиниб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди ва 2008 йилнинг иккинчи ярмига мўлжалланган иш режаси тасдиқланди.

Бундан ташқари, комиссиянинг айрим аъзоларини муайян даврда амалга оширган ишлари юзасидан ҳисоботлари тингланди.

Комиссия мажлисида кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Муносабат

ПОК НИЯТ ВА ҚАТЪИЙ ИШОНЧ

қашқадарёликларни улкан ишларга ундамоқда

Тонг. Соат бешга яқинлашган, лекин қуёш заррин ипларини чувалатишга ҳали улгурган эмас. Биз Парда Ҳасанов деҳқончилик қилаётган Қарши туманининг Патрон қишлоғи четидаги далага худди шу вақтда етиб келдик. Аммо хўжаликда аллақачон иш бошланган, фермернинг укаси Худойназар ака ва умр йўлдоши тонгги юмушларни бажариб бўлгач, сўрида нонушта қилиб ўтирган экан, бизни ҳам дастурхонга таклиф қилишди.

Чой ичар эканман, зимдан атрофга назар солдим. Шийпон эски, аммо яхшилаб таъмирланган. Дам оладиган хоналар ораста. Ювиниш ва ошхона учун алоҳида иморат тикланган. Мевали дарахтлар анчагина, бир томони гулзор. Шийпон олдидаги пушталарда помидор етилиб ётибди, унинг пишганлари эса дастурхонда оловдек товланиб турибди.

Шийпоннинг ён томонида ғалласи ўриб олинган пайкал, у шудгор қилиб қўйилган. Бир-икки гектар ерга қовун-тарвуз экилган, сал нарида дуркун ўсаётган ғўзалар...

Худойназар ака уч ўғил, бир қиз улғайтирган. Яқинда икки ўғлига келин туширар экан. Акаси Парда Ҳасанов ҳозир етмиш икки ёшда. Олти ўғли ва икки қизини ўқитиб, уйли-жойли қилиб, элга қўшган. Олдин собиқ «Бешкент» хўжалигида ижарачи бўлиб ишлаган. Уч йил бурун танловда қатнашиб, ўттиз гектар ерга эга бўлибди, фермер хўжалиги ташкил этиб, укаси билан кенжа ўғли Ҳамзани ўз қаватига олибди. Ҳозир хўжаликда ўн киши меҳнат қилади.

Худойназар ака билан шу ҳақда гаплашиб турганимизда, Президентимиз совғаси — «Дамас» машинасида Ҳамза билан Парда Ҳасановнинг ўзи келиб қолди. Суяги меҳнатда қотган, буни бир қарашда сезиш мумкин, лекин ҳеч ким Парда акани етмиш икки ёшга кирган деб ўйламайди. Юзлари офтобда қорайган, қўллари чайир, кўришганда куч-қуввати яққол сезилади. Кайфияти баланд.

— Анча йил шу ерни ижарага олиб ишладим, — дейди Парда Ҳасанов. — Эсимда, 2005 йилнинг айни саратони эди. Ҳозиргидек қизғин кунлар. Вилоятга келган Юртбошимиз даламизда бўлиб, ишларимиз билан яқиндан танишгач: «Фермер бўлиб, ўз ерингизга ўзингиз эгалик қилсангиз бўлмайдими?!» — деган фикрни айтдилар. Юрагимга ўт тушди. Кечқурун уйдагилар, ўғиллар, Худойназар билан маслаҳатлашдим, кейин бориб, фермерларнинг ишини кўрдим. Нимага десангиз, бу ишга бел боғлагандан сўнг уялиб қолмаслик керак, ишончни оқлаш лозим. Шу мени қаттиқ ҳаяжонга солди. Паст-баландини ўйлаб кўргач, тадбир билан ҳалол меҳнат қилсак, бу ишончни оқлашимизга, юзимиз ёруғ бўлишига иймон келтирдим. Хуллас, белни маҳкам боғлаб ишга киришдик. 2006 йилда танловда қатнашиб, ана шу ернинг эгаси бўлиб, фаолиятни бошладик. Худога шукр, куни кеча Президентимиз ишимизни, даладаги ҳосилнинг баракасини кўриб, мамнун бўлдилар, дилдан суҳбатлашиб, турмушимиз, орзу-ҳаваслар ва ғўзалар ривожи билан қизиқдилар. Бошим осмонга етди. Қўлимдан келганча эл-юртга хизмат қилаётганимдан ҳурсанд бўлдим. Ўтган йили пахтани ҳам, ғаллани ҳам шартномадан оширдик. 20 миллион сўм соф фойда олдик. Бу йил 15 гектар ерда буғдойнинг «Чиллаки» навини экиб, 55 центнердан ҳосил кўтардик, давлатга 82 тонна уруғлик ғалла сотдик. Ўзимизга ҳам етарлича қолди. Юртбошимизга мен шуларни айтиб бердим. Раҳбаримизнинг эътибори, ғамхўрлигидан кўнглим тоғдек кўтарилди. Мана, у кишининг совғаси! Меҳнат қилган одам кам бўлмайди, ука!

Қирчиллама қишнинг совуғи демай, саратоннинг жазирама иссиғи демай меҳнат қилиб, насибасини топаётган бу кекса деҳқоннинг дил сўзлари мени ҳам тўлқинлантириб юборди. Мана шу фермернинг шийпонида Юртбошимиз вилоятнинг илғор фермерлари, қишлоқ хўжалиги соҳаси мутасаддилари ва мутахассислари, тадбиркорлар билан учрашди. Самимий мулоқот чоғида ғалла ҳосилини нестнобуд қилмай йиғиштириб олиш, ғўза парваришига жиддий эътибор қаратиш ҳақида сўз борди. Шунингдек, қишлоқ ҳаёти ва турмуш даражасини янада кўтариш, тадбиркорликни янада ривожлантириш, замон талабига мос бўлган шинам дала шийпонлари қуриш каби масалаларга эътибор қаратди.

Туман ҳокими Ҳасан Омоновнинг айтишича, ҳозир 2800 фермер ғаллачилик ва пахтачилик соҳасида меҳнат қилади. «Норов Рамс» фермер хўжалиги ғалла бўйича ҳосилдорликни 70 центнердан оширган. Туманда бундай тажрибали деҳқонлар оз эмас. Улар 18 минг гектар ерда 48 минг тонна пахта етиштириш учун астойдил ишлашмоқда. Шуниси қувонарлики, тадбиркорларнинг иқтисоддаги улуши йил сайин кўпайиб бормоқда. Исмоил Бозоров номли МЧЖ сутни қайта ишлаш кичик корхонаси барпо этмоқда. Иккита кичик ғишт заводи яқинда ишга туширилди, яна бешта шундай завод жадал суръатлар билан қурилмоқда.

2-бет

ЎзХДП ҳаёти

Жиззах вилоят партия кенгашида туман ва шаҳар кенгашлари раислари, ахборот-ресурс марказлари раҳбарлари, йирик бошланғич ташкилотлар етакчилари иштирокида семинар бўлиб ўтди. Унда ЎзХДП маҳаллий кенгашлари ахборот-ресурс марказлари фаолиятини такомиллаштириш, жорий ўқув йилини якунлаш масалалари муҳокама этилди. Бу борада фикр-мулоҳазалар билдирилди, савол-жавоблар бўлди, таклифлар ўртага ташланди.

СИЁСИЙ ЖИҲАТДАН ФАОЛ

электоратни шакллантиришда ахборот-ресурс марказларининг ўз ўрни бўлиши керак

— Туманимизнинг ҳудуди катта, — деди Фориш туман партия кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Сафар Муталов. — Айрим бошланғич партия ташкилотларимиз туман марказидан 140-180 чақирим олисда. Шуни эътиборга олиб, йирик бошланғич ташкилотларимиз негизида ҳам ахборот-ресурс марказлари ёки уларнинг бўлинмаларини ташкил этиш ҳаракатидамиз.

— Биз ҳам шу фикрдамиз, — деди уни қўллаб-қувватлаб Бахмал туман кенгаши раиси Донабой Соатов. — Мавжуд 29 та бошланғич ташкилотимизнинг ярмида бу ишни амалга оширишни режалаштирганмиз. Тўғри, бу осон эмас. Лекин ҳаракат қилсак, амалга оширса бўлади.

— Мавжуд ахборот-ресурс марказларини алоҳида хоналар, зарур адабиётлар, керакли қўлланмалар, замонавий техник жиҳозлар билан таъминлаш бўйича ҳали анча-мунча иш қилишимиз зарур, — деди Ғаллаорол туман кенгаши раиси ўринбосари Меҳри Бобоева. — Тўғри, ҳозир ҳам бу борада баъзи ютуқларга эгамиз, лекин бу етарли эмас. Чунки ўнлаб адабиётлар жамланадиган дискларни тўплашга, кенг миқёсдаги ахборот манбаи ҳисобланган Интернетга уланишга эҳтиёж катта. Бу ишда бизга партия Марказий ҳамда вилоят кенгашлари ёрдам берсин деб кутмасдан, ҳаракат қилишимиз, ўз имкониятларимизни ишга солишимиз керак.

Семинарда Арнасой, Зомин, Зарбдор, Дўстлик туман партия кенгашларида ахборот-ресурс марказларини ташкил қилиш, уларни керакли адабиётлар ва қўлланмалар билан таъминлаш, сиёсий маърифат тизимини шакллантириш талаб даражасида эмаслиги танқид қилинди.

Аслида партия кенгашлари қошида ахборот-ресурс марказларини ташкил этиш зарурати нега пайдо бўлди ва қандай вазифаларни бажариши керак, деган савол туғилиши табиий. Йиғилиш иштирокчилари партиямизнинг V қурултойидан кейин мафкуравий ишларга эътибор сезиларли ошганини таъкидладилар. Сиёсий партия ўз сиёсий мафкурасини мунтазам равишда бойитиб, такомиллаштириб бориши лозимлиги, бу масалаларга электорат манфаатларидан келиб чиқиб ёндашиш, замонавий моддий-техника базасига таяниш, ахборот-ресурс марказлари, тарғибот гуруҳлари фаолиятини кучайтириш вазифаларига алоҳида урғу берилди. Бу ишга юзаки муносабатда бўлмасдан, партиявий-сиёсий, мафкуравий фаолиятнинг ажралмас таркибий қисми деб қараш зарурлигига эътибор қаратилди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Миллат ва маънавият

ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ

бағрикенглик, ҳамжиҳатлик ва барқарорликни белгилайди



Ер юзида ҳаётни асраб қолиш, инсоннинг тинч, эркин ва фаровон яшашига эришиш йўлида турли дин, миллат ва элат вакиллари, маданиятлар ва тамаддунлар ўзаро мулоқотга киришаётган ҳозирги даврда дин ва дунёвий давлат муносабатларини тўғри йўлга қўйиш жаҳон халқлари ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини қарор топтиришнинг муҳим шарти бўлиб қолмоқда.

Чунки бугунги кунда миллионлаб одамларнинг руҳиятига бевосита таъсир ўтказадиган диннинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини тўғри англамаслик, диний қадриятларни тараққиёт ва дунёвийлик каби тушунчаларга қарама-қарши қўйиш фожиали оқибатларга олиб келиши мумкинлигига барчамиз гувоҳмиз.

Жамият турли дин ва эътиқод вакилларидан иборат бўлган бир пайтда ижтимоий алоқалар тизимида конфессияларо муносабатлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг бағрикенглик асосларига қурилиши жамиятдаги умумий маънавий муҳит ва барқарорликни белгилаб берувчи омил сифатида намоён бўлмоқда.

2-бет

Ғамхўрлик

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ

Бугун Бухоро вилоятида 538 та умумтаълим мактаби фаолият кўрсатмоқда. Президентимизнинг мазкур вилоятга сафари чоғида бўлган самимий мулоқотларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳам атрофлича муҳокама этилди.

— Президентимиз ташрифи муносабати билан мактабимизга бир синфга мўжалланган замонавий компьютерлар тўплами келтирилди, — дейди Жондор туманидаги 25-мактаб директори Фотима Эшмуродова. — Бундан, айниқса, болалар ва ота-оналарнинг қувончи чексиз. Бу эътибор Юртбошимиз раҳнамолигида ёшларга кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Гарчи мактабда ўқув йили якунланаётган бўлса-да, кеча саксон нафарли жамоа ўз қувончини ота-оналар билан баҳам кўрди. Шу муносабат билан ўтказилган тақдимот маросимида сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбарига ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти Марғилон тиббиёт коллежида «Ёшлар ҳаётида маънавий тарбиянинг аҳамияти» мавзуида давра суҳбати ўтказди. Сўзга чиққанлар бугунги кунда амалга оширилаётган бунёдкорлик, маънавий етук авлод тарбиясига қаратилаётган ишларни эътироф этдилар. Ёш фаоллар маънавиятнинг жамият ва инсон ҳаётида тутган ўрни, ёшлар маънавий баркамоллигини таъминлаш, глобаллашув жараёнида уларни ёт мафкураларга қарши курашиш руҳида тарбиялаш ҳақида фикр алмашдилар, баҳс-мунозара юритдилар.

ЎзХДП Янгиариқ туман кенгаши ташаббуси билан Янгиариқ маҳалласида «Маънавият — миллат кўзгуси» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда истиқлол йилларида миллий маънавиятимизни тиклаш ва ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар хусусида сўз юритилди. Ёшларда бунёдкор ўзгаришлар, олдимизда турган мақсад ва вазифаларга дахлдорлик туйғусини тарбиялаш, уларни маънавий комилликка интилишини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензиялан

ПОК НИЯТ ВА ҚАТЪИЙ ИШОНЧ

қашқадарёликларни улкан ишларга ундамоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шодиёр ХЎЖАНАЗАРОВ, вилоят «Деҳқонлар кенгаши» раиси, биология фанлари номзоди:

— Воҳада Юртбошимиз асос солган деҳқончилик мактаби бор. У киши ҳар сафар вилоятга ташриф буюрганларида, кенгашиб, амалий фикр берадилар. Бу сафар уруғчилик, хусусан, ғалла уруғчилигини янада яхшилаш вазифасини илгари сурдилар. Энди биз шу асосда ишимизни такомиллаштирамиз. Қишлоқларни кўтариш, деҳқоннинг турмуш шароитини янада яхшилаш ва эзгу интилишларига мос замонавий дала шийпонлар барпо этиш ҳақидаги таклиф ва мулоҳазалари ҳам ғоятда қимматлидир. Биз бу масалаларни оғишмай амалга оширишимиз лозим.

Қарши шаҳрига етиб келганимизда қуёш найза бўйи кўтарилган эди. Рости, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ шаҳарларига нисбатан Қарши анча иссиқ бўлади, фақат сув ва дарахтзорларгина иқлимни юмшатиб туради. Қарши шаҳар ҳокими Шуҳрат Турсунов мамлакатимиз раҳбарининг кўрсатмалари ва тавсиялари асосида алоҳида режа тузилганини айтди. Келгусида каштан, япон сакураси, крим арчаси каби иссиққа ҳам, совуққа ҳам чидамли дарахтлар шаҳарга жозиба бағишлайди.

Ҳозир шаҳарда 62 та маҳалла бор. Ўзаро суҳбат асносида партиямиз фаоллари — Рогузар маҳалла оқсоқоли Ғайбулла ҳожи Отаев билан «Самарқанд» маҳалла оқсоқоли Рустам Очилов Юртбошимиз ободончилик ҳамда фарзандлар тарбияси хусусида жуда қимматли фикр-мулоҳазалар айтганини таъкидлашди.

— Юртбошимиз «Бир болада етти қўшнининг ҳақи бор» деган мақолни тилга олиб, фарзанд тарбиясига ҳар биримиз масъул эканимизни уқтирди, — дейди Чақар маҳалла фуқаролар йиғини раиси, шаҳар кенгаши депутати Норгул Мустафоқулова. — Шундан сўнг маҳаллалардаги ишимизни янада яхшилашга, ободончиликка алоҳида эътибор қаратдилар. Ёдимда, 1988 йили у кишининг раҳбарлигида «Геолог» стадиони ва унинг атрофи ободонлаштирилган эди. Шунда биз ҳам ҳашарга чиққанмиз. Мана, бугун унинг негизида Маданият ва спорт-соғломлаштириш маркази барпо этилди. У шаҳримизнинг кўркига кўрк, чиройига чирой бағишлаб турибди.

Дарҳақиқат, «Геолог» стадиони негизида «Шўртангазкимё» мажмуаси томонидан қайта қурилган Маданият ва спорт-соғломлаштириш маркази кўрган кўзни қувонтиради. Саккиз минг томошабинга мўлжалланган замонавий ўйингоҳ, ёпиқ бассейн, теннис корти...

Марказ раҳбари Миржаҳон Муродов Юртбошимизнинг кўрсатмалари асосида ёпиқ спорт саройида яна қатор қулайликлар яратилиши ҳақида сўзлади. Мураббий Регина Юсупова шейпинг бўйича машғулотларда ўттиз нафар хотин-қиз қатнашаётганини айтиб, бундай муҳташам спорт саройлари аҳоли соғлигини мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Шу ўринда етмиш икки ёшли оқсоқол фермер Парда Ҳасановнинг бир гапи хаёлдан ўтади: «Юртбошимизнинг ҳар бир ташрифи юрагимизга олов солиб, руҳимизни кўтариб юборади. Пок ният, қатъий ишонч билан янги-янги ишларга қўл уришга ундайди. Бундай юртда насиба ҳамиша бутун, эртанги кун обод ва нурли бўлади, иншоолоҳ!»

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК

Хонқа туман партия кенгаши ташаббуси билан «Экология ва саломатлик» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Хонқа иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ташкил этилган тадбирда атроф-муҳит мусаффолигининг жамият ривожланишига таъсири, табиат ва жамият уйғунлиги хусусида фикр юритилди.

— Табиатни асл ҳолича сақлашда шу ерда яшаётган, меҳнат қилаётган кишиларнинг таъсири жуда катта, — деди туман партия кенгаши раиси Аҳмаджон Воисов. — Бунинг учун фақатгина ўз яшаётган жойимиз, маҳаллаларимизда тозаликни сақласак, ўсимликлар олами, дарахтларни асрасак ва янги ниҳоллар экиб, уларни парвариш қилсак, кифоя. Биз ушбу тадбирлар орқали ёнимиздаги инсонларни табиатни асраб-авайлашга ҳам чақиришни мақсад қилганмиз.

Тадбирда туман Саломатлик маркази бош шифокори О.Хўжаев экологик муҳитнинг бузилиши оқибатида келиб чиқадиган турли касалликлар ва уларнинг олдини олишда кўриладиган чоралар хусусида маълумот берди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

Парламент фаолияти

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг Фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга йўналтирилган қонунларнинг ижро этилиши самарадорлигига бағишланган сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.

ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ

кўрсатиш масалалари депутатлар муҳокамасида

Қонунларнинг самарали ижросини таъминлашда парламент палаталари қўмиталарининг назорат-таҳлил фаолияти муҳим аҳамият касб этди. Шу сабабли Қонунчилик палатаси қўмиталари қонунларнинг ижросини назорат қилишга жиддий эътибор қаратмоқда. Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга йўналтирилган қонунларнинг Андижон вилоятида ижро этилиши самарадорлигини ўрганди. Унинг якунлари қўмитанинг мазкур вилоятда ўтказилган йиғилишида муҳокама қилинди.

Таъкидландики, вилоятда фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга йўналтирилган қонунларнинг ижро этилишини ташкил этишда муайян ютуқларга эришилган. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари, ҳокимликлар, адвокатлик тузилмалари ўз ваколатлари доирасида бу борада бир қатор ишларни амалга оширган. Вилоят Адлия идоралари тадбиркорлар, хўжалик юритувчи субъектларга ердан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва етказиб бериш билан боғлиқ масалалар бўйича ҳуқуқий ҳужжатлар, шартномаларни тузишда тегишли ёрдам кўрсатган. 3 та шаҳар, 15 та туман ФҲДЁ бўлимлари ва 1 та ФҲДЁ архиви томонидан фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзилмоқда. Адвокатлик ҳайъати, 15 та адвокатлик бюроси ва 24 та адвокатлик фирмаларида фаолият юритаётган 180 нафар адвокат фуқароларга ҳамда юридик шахсларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Вилоятда 25 та давлат нотариат идорасида 29 нафар давлат нотариуси, 16 нафар хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус аҳолига нотариал хизмат кўрсатиш билан машғул.

Шу билан бирга, қўмитанинг сайёр йиғилишида вилоятда фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга йўналтирилган қонунларнинг ижро этилиши самарадорлигини янада ошириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасидаги ишларда айрим камчиликлар борлиги таъкидланди. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, уларнинг доимий комиссияларида фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга қаратилган қонунлар ижросини муҳокама қилиш йўлга қўйилмаган. Нотариат идоралари, ФҲДЁ бўлимларини ҳуқуқий адабиётлар, турли ахборотлар, маълумотлар, қонун ҳужжатлари билан таъминлашни янада яхшилаш лозим. Амалдаги қонунларга кўра туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш, никоҳдан ажратиш, оталикни белгилаш каби фуқаролик ҳолати далолатномаларини расмийлаштириш шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан ҳам амалга оширилиши мумкинлиги назарда тутилган бўлса-да, амалда улар бу ваколатлардан фойдаланмаётгани маълум бўлди.

Йиғилиш якунида вилоятда фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга йўналтирилган қонунларнинг ижро этилиши самарадорлигини янада оширишга қаратилган зарур чора-тадбирларни кўриш ва бу борадаги ишларни янада яхшилаш юзасидан тавсиялар берилди.

(Ўз мухбиримиз)

ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ

бағрикенглик, ҳамжиҳатлик ва барқарорликни белгилайди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маълумки, дунёда 1600 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайди. Жаҳон харитасига назар ташлайдиган бўлсак, ўз номи билан аталадиган давлатлар бор-йўғи 200 дан зиёд экан. Демак, уларнинг аксариятига кўп миллатлилик хосдир. Мазкур миллатлар вакиллари турли диний эътиқодга амал қилади. Бу эса 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшаётган Ўзбекистонимизга ҳам тааллуқлидир. Аҳолининг 90 фоизидан ортиғи ислом динига эътиқод қилиши баробарида яна 15 турдаги бошқа конфессия вакиллари ҳам мамлакатимизда тинч-тотув баҳамжиҳат ҳаёт кечирмоқда.

Мустақилликнинг илк даврларидан бошлаб Ўзбекистонда ўзига хос давлат ва дин муносабатлари шакллантирилди. Чунки Президентимиз Ислом Каримов ибораси билан айтганда, **«динга ҳурмат ва эътиқод — биз учун ўлмас қадриятдир».** Бу тезисни амалиётга татбиқ этиш учун жамиятимизда янгича ҳуқуқий асослар яратилган.

Халқимиз сиёсий мустақиллик ва озодликни қўлга киритгач, ўз тақдирини ўзи белгилади ва бошқа соҳалар қатори миллий маънавиятни ривожлантиришга асосий ғоя сифатида қаради. Зеро, маънавиятнинг инсон тафаккурини ривожлантиришдаги ўрни ўта муҳимлигини англаган ҳолда, Юртбошимиз ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари» асарида шундай ёзади: **«Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди».**

Албатта, истиқлолнинг илк йилларида, яъни анча мураккаб кечган шароитда маънавий қадриятларни тиклаш ва унутилган бой анъаналарни қайтариш ҳам осон кечмади. Ўтмишни ҳақиқат элагида элаш кўп куч ва билимни талаб этарди. Айниқса, мустақиллик йилларида динга бўлган эътибор ниҳоятда кучайди. Минг йиллар давомида отабоболаримизнинг дини бўлиб келган ислом таълимоти истиқлол йилларида эркин нафас олди. Зеро, қадимда дин гарчи араб диёрида пайдо бўлган бўлса-да, ўзбек заминининг аллома фарзандлари фидойилиги билан янада қанот ёзди, нечанеча авлод маънавиятини юксалтириш ва ривожлантиришга хизмат қилиб келди.

Коммунистик мафкура қолдирган бўшлиқ шароитида, ташқи ва ички таҳдидларга қарши чоралар кўриш жараёнида ёш Ўзбекистон ҳукумати ўтган йиллар давомида муайян тажриба орттирди ҳамда бу борада ўзига хос тизимни шакллантирди.

Бу бир томондан, тинчлик, эзгулик дини — исломни «исломчи»лардан, яъни маърифатпарвар исломни сиёсийлашган, жангари «ислом»дан ҳимоя қилиш, иккинчи томондан, кўп миллатли ва кўп динли жамиятда эътиқод эркинлиги кафолатланган шароитда айрим радикал миссионерлик гуруҳларнинг низолар чиқаришга қаратилган фаолиятининг олдини олиш каби мураккаб вазифаларни амалга оширишда ўз ифодасини топмоқда.

Дин ва давлат муносабатлари ҳар доим долзарб масалалардан бири бўлиб келган. Бу бежиз эмас, албатта. Мамлакатимиз Президенти алоҳида таъкидлаганидек, кўп конфессияли жамиятда турли дин вакилларининг ўзаро дўстлик ва аҳиллиқда яшаши ҳамда бунёдкорлик ишларида давлат билан ҳамкорлик қилиши барқарор тараққиётни таъминлайдиган асосий омиллардан ҳисобланади.

Дин одамларни ҳамиша яхшиликка, эзгу ишларга чорлаган. Жумладан, ота-боболаримизнинг муқаддас эътиқоди бўлган ислом дини ҳам юксак инсоний фазилатларнинг шакланишига хизмат қилади. У туфайли халқимиз минг йиллар мобайнида бой маънавияти ва мероси, ўзлигини омон сақлаб келди.

Ўзбекистоннинг истиқлол йилларидаги ривожланиш тажрибаси кўп конфессияли жамиятда нафақат динлараро тотувликка эришиш мумкинлиги, балки кўп конфессиявийлик-демократик ислоҳотлар ва бағрикенглик руҳини қарор топтиришнинг муҳим воситаси бўла олишини исботлади.

Бугунги кунда эришилган натижаларни янада мустаҳкамлаш бир томондан ижтимоий барқарорлик, диний бағрикенгликка таҳдид солаётган диний экстремизм, унинг турли кўринишларига қарши кураш, миссионерликнинг олдини олиш, иккинчи томондан эса жамиятдаги бағрикенглик, шу жумладан, диний бағрикенглик маданиятини янада камол топтириш борасидаги ишларни изчил давом эттиришни талаб этмоқда.

Ўзбекистон ислом маданиятининг нафақат минтақадаги, балки дунёдаги асосий марказларидан бири бўлиши билан бирга, унинг Марказий Осиёда барқарорликни таъминлашда ғоятда муҳим ўрин тутиши хорижий таҳлилчилар томонидан эътироф этилмоқда. Минтақада юзага келган бугунги вазият ҳам мамлакатимизнинг мана шу салоҳиятини намоён қилишини талаб этмоқда.

Дин азал-азалдан инсонга энг ҳаётбахш покиза ҳисларни инъом этиб, эзгулик сари етаклаган, маънавиятини юксалтирган. Буни теран англаган давлатимиз раҳбари бошчилигида ҳукуматимиз томонидан диний эътиқодга чанқоқ фуқароларимизнинг виждон эркинлиги қайта тикланди. Шунинг баробарида кўп миллатли мамлакатимизда ҳеч қайси дин вакилларининг диний эркинликларини камситмаган ҳолда, айни вақтда диний ҳиссиётларни авж олдирмасдан, босиқ-вазмин, узоқни кўзлайдиган сиёсат амалга оширилди.

Айни истиқлол йилларида юртимизда меҳр-мурувват, бағрикенглик, ҳосийлик ғояларини ўзига сингдирган муқаддас динимизнинг бой маънавий ва маданий қадриятларини эъзозлаш йўлида қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Шу ўринда айрим ҳаётий мисолларни келтирмоқ жоиздир. 1992 йил 27 март — мамлакатимиз Президенти Фармонига мувофиқ «Ийд ал-Фитр» (Рўза) ва «Ийд ал-Адҳо» (Қурбон) ҳайитлари дам олиш куни сифатида эълон қилинди. Қуръони Карим, ҳадислар тўплами ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилди. Шунингдек, Қуръон кўзи ожизлар учун махсус брайл ёзувида нашр этилди. Яна бир эътиборли жиҳати, Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом олий институти (Ислом маъҳади), ўнта ўрта махсус ислом билим юрти ва православ ҳамда протестант семинариялари фаолият кўрсатмоқда. 1999 йил 7 апрелда эса Тошкент Ислом университети, унинг қошида Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази ва академик лицей очилди.

Ватанимиз азал-азалдан инсоният тамаддуни, қолаверса, ислом дини маданиятининг улуғвор бешикларидан бири сифатида довруғ қозонган. Бу ҳақиқат исботини ўтган йили Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO)нинг Тошкент шаҳрини Ислом маданияти пойтахти, дея эълон қилганлигида ҳам кўриш мумкин. Жуда қисқа муддат ичида бунёд этилган «Ҳазрати имом» (Ҳастимом) мажмуаси ислом оламида улкан бунёдкорлик намунаси сифатида эътироф этилаётгани ҳам давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда умрбоқий қадриятлар ва анъаналарни асраб-авайлаш борасида оқилона сиёсат юритилаётганининг амалдаги исботидир.

Хукуматимиз ўз фуқароларининг виждон эркинликлари бўйича ҳак-ҳуқуқлари тўлиқ таъминланиши йўлида, шунингдек, халқаро шартномаларга асосланган ҳолда ЕХҲТга аъзо мамлакатлар томонидан тасдиқланган ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этишда барча имкониятларни ишга солмоқда.

Давлат ва дин муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий пойдеворнинг асосийси Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир. Асосий Қонуннинг 18-моддасида: «Барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдир», — деган сўзлар билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Эътибор берилса, мазкур қоидада миллий ҳаётга, фуқароларнинг миллий ҳис-туйғуларига дахлдор бир қатор муҳим аҳамиятга молик тамойиллар белгилаб қўйилганига ишонч ҳосил қилиш мумкин:

— биринчидан, фуқароларнинг миллий мансубликларидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги таъкидланган;

— иккинчидан, фуқароларнинг диний, эътиқодий фарқларидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгалиги кафолатланган. Дин миллат маънавиятининг ажралмас қисми эканини инобатга оладиган бўлсак, мазкур қоиданинг ҳаётий-амалий аҳамияти ойдинлашади;

— учинчидан, фуқароларнинг ирқий тенглиги қайд этилган. Айрим минтақаларда миллатчилик ғоялари билан қуролланган гуруҳлар диний ақидапарастлик ва ирқчилик қарашларидан ҳам ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга уринаётганини унутмаслик даркор. Муайян ҳолларда улар омухталашган шаклда чиқиши мумкин. Ахборот глобаллашуви кечаётган бугунги кунда турли ғоялар ҳеч қандай чегараларни тан олмай кириб келишини эътиборга оладиган бўлсак, ушбу тамойилнинг ҳаётий аҳамияти янада яққол намоён бўлади. Тарихий тажриба кўпмиллатли давлатнинг барқарорлиги миллатлараро муносабатларга дахлдор бўлган ҳуқуқ ва эркинликларни тўғри белгилашга, шунингдек, амалиётда уларга нечоғли риоя қилинаётганига ҳам боғлиқлигини кўрсатмоқда.

Конституцияда фуқароларга «Эътиқод эркинлиги ҳуқуқи» берилган (31-модда). Унга кўра, фуқароларнинг бирор динга эътиқод қилиши ёки қилмаслиги уларнинг хусусий ишидир. Давлат бу масалага аралашмайди. Унинг вазифаси эътиқод эркинлиги ҳуқуқини рўёбга чиқариш, холос. Шу тариқа, у жамиятда виждон эркинлиги механизмини йўлга қўяди. Давлат ва диннинг ўзаро ажратилганлиги бугунги дунёнинг илғор мамлакатларига хосдир. Бундай давлатларда динга нисбатан мўътадил муносабат шакланган бўлиб, диний айирмачиликка йўл қўйилмайди. Шу сабабли Ўзбекистонда ҳам бу масала дунё давлатчилиги тажрибаларига асосан Конституциявий даражада ҳал қилинган.

Шуҳрат МУСТАФОЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

«Истиқбол» — ЎзХДП ёшлар қаноти

КЕЛАЖАКДА КИМ БЎЛИШИМИЗ

бугунги ҳаракатимизга боғлиқ, дейишди ёш фаоллар

Дарҳақиқат, инсон ўсиб-улғаяр экан, ўз келажаги учун пойдевор яратиб боради. Эртанги кунимиз ана шу таянчнинг мустаҳкамлигига бевосита боғлиқ. Кўпгина тенгдошларимиз келгусида сиёсатчи, депутат, сенатор, давлат ва жамоат арбоби, етакчи бўлишни орзу қилади. Бу эзгу ниятга осонликча эришиб бўлмайди, албатта. Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қаноти ана шундай орзуманд ёшларни бирлаштирган. Уларнинг эзгу ниятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашадиган кўплаб тадбирларни ташкил этиб келмоқда.

Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ёшлар қаноти фаолларининг Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди. Қанот марказий бошқаруви аъзолари, Тошкент вилоят ва шаҳридаги фаоллари, партия Оҳангарон шаҳар кенгаши қошидаги Ёш сиёсатчилар ва иқтидорли ёшлар клуби аъзолари билан депутатлар мулоқоти «Ҳуқуқий билим ва тафаккур ёшлар фаоллигини оширишнинг асосий мезонидир» деб номланди.

Ёшларнинг ҳуқуқий билимларини кучайтириш, уларни депутатлар фаолияти ва қонун яратувчилик жараёнлари билан таништириш ҳамда бунга қизиқишларини ошириш кўзда тутилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, фракция раҳбари Аслиддин Рустамов парламент қуйи палатасида амалга оширилаётган ишлар, қабул қилинаётган қонунлар ҳамда ЎзХДП фракцияси фаолияти ҳақида тўхталди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг ўн етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори мазмун-моҳияти ҳақида фикр юритди. «Истиқбол» ёшлари томонидан мустақилликнинг тарихий аҳамияти ва ҳаётимиздаги ўрни, истиқлол берган имкониятларни ёшлар ўртасида тушунтириш, кенг тарғиб этиш, бунда фракция аъзоларининг иштироки борасида таклиф ва мулоҳазалар билдирди. Қонунчилик палатаси депутати, фракция аъзоси Боймурод Юсупов ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари ва бу соҳада олиб борилаётган ишлар хусусида маъруза қилди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари, депутат Шарбат Абдуллаева эса партиянинг ёш фаоллар билан олиб бораётган ишлари хусусида батафсил сўзлаб берди.

Яқинда бўлиб ўтган «Истиқбол» ёшлар қанотининг Республика II конференциясида ЎзХДП ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари, ўзини ўзи бошқариш органлари билан ёшлар қанотининг ҳамкорликдаги ишлари хусусида мулоҳазалар билдирилган эди. Ёшлар вакиллари учрашув давомида бу борада ўз фикрларини депутатлар эътиборига ҳавола қилдилар. Жумладан, парламент қуйи палатасида ёшлар ҳаётига доир қабул қилинаётган қонунлар юзасидан партия фракциясининг нуқтаи назарини ишлаб чиқишда «Истиқбол» ёшларининг фикрларини эътиборга олиш, жойларда ёшлар вакиллари билан учрашувлар ташкил этиш борасида мулоҳазалар ўртага ташланди.

ЎзХДП ёшлар қаноти жойларда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари билан биргаликда ёшлар сиёсатига оид қонунлар, Президент фармон ва қарорлари, давлат дастурларининг амалга оширилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришни йўлга қўймоқда. Албатта, бу жараёнда ҳам ёшлар вакилларининг парламентдаги депутатлар билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориши самарали натижа беради. Чунки аввало, ёшларнинг ўзи амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билиши, ҳар бир масалани таҳлил қила олиши лозим. Депутатлар бу борада ҳам ўз тажрибаларини гапириб бердилар. Иштирокчиларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтардилар.

Савол: — «Ёшлар йили» Давлат дастурини амалга ошириш юзасидан фракция қандай ишларни олиб бораяпти?

Жавоб: — Аввало, Давлат дастурини ишлаб чиқиш жараёнида ўз таклифларимиз билан қатнашдик. Яхши биласиз, бизнинг фаолиятимиз қонун яратувчиликдан иборат. Дастурда ёшлар билан боғлиқ қатор қонунларни қабул қилиш, амалдагиларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Бу эса бевосита бизнинг зиммамиздаги масъулиятдир. Айни пайтда қонунчилик палатасида «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида», «Таълим тўғрисида»ги ва бошқа қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан ишлар олиб борилаяпти. Бу жараёнда биз фаол қатнашиб, улар юзасидан ЎзХДП фракцияси таклифларини билдирамиз.

Савол: — Касб-ҳунар коллежларини битираётган ёшлар олдида битта масала туради. Олий ўқув юртига кириш ёки ишга жойлашиш. Ҳамма ҳам ўқишни давом эттиришни кўзда тутмаган. Лекин иш масаласида баъзан қийинчиликларга дуч келаяпмиз...

Жавоб: — «Ёшлар йили» Давлат дастурида битирувчи ёшларни иш билан банд этиш масалаларини ҳал этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Айни пайтда республикамиз касб-ҳунар коллежларида 270 йўналиш бўйича мутахассис тайёрланаяпти. Жойларда уларга эҳтиёж қандай? Қай бирига кўп, қай бирига озроқ ёки қайси ҳудудда қандай ихтисосликка эҳтиёж катта? Масъул маҳкамаларга ушбу масалаларни ўрганиш топширилган. Ундан ташқари, ушбу йилда ёшлар учун 620 минг янги иш ўрни яратилади. Шунинг 320 минги чекка қишлоқлар ва олис ҳудудларда ташкил этилади...

Тадбир доирасида ёшлар депутатларнинг қонун яратувчилик иш жараёни ҳамда Олий Мажлис қуйи палатаси биноси билан танишдилар.

Беҳзод ШУКУРОВ. Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

«ОММАВИЙ МАДАНИЯТ» ВА МАФКУРАВИЙ ХАВФСИЗЛИК

муаммолари ҳақида мулоҳазалар

Маданият ва мафкура азал-азалдан инсонни эзгуликка чорловчи, жамият ҳаётини муайян тартибга солувчи омил вазифасини ўтаб келган бўлса, иккинчи томондан, зиддиятли вазиятларда инсон қалби ва онгини эгаллашнинг қуроли бўлиб хизмат қилган. Бу икки соҳадан бугунги кунда ғаразли мақсадларда фойдаланишларга уринишлар авж олаётгани аён ва бу ҳақда кўп ёзилмоқда. Дарҳақиқат, ҳозирги глобаллашув шароитида жаҳонга етакчилик қилиш сиёсатини амалга ошириш, босим ўтказиш, одамлар тафаккурини ўз измига солишда «оммавий маданият» жиддий «қурол»га айланиб бораётгани тобора аниқ сезилмоқда.

Бир қарашда «оммавий маданият»нинг хавотирга соладиган жиҳати йўқдек. Чунки у халқ маданияти, урф-одатлари, маросимлари, санъати ва ОАВнинг ривожи билан боғлиқ ҳодисадек туюлади. Аммо ҳозирги «оммавий маданият» оммавий ишлаб чиқариш, «кўнгилочиш индустрияси» томонидан яратилган, омма истеъмолига мўлжалланган маданиятнинг сийқалаштирилган намуналари кўринишидаги салбий ҳолат, контрмаданият сифатида намоён бўлмоқда.

Бундай муҳитда шаклланган индивид ижтимоий муҳитдан, жамоадан ажралиб қолган, ўзгалар ҳақида ўйлаш қобилиятидан, жавобгарлик ва якдиллик туйғусидан маҳрум бўлган ҳамда фақат қисқа муддатли вазифаларни олдига қўйиб, бугунги кун билан яшайдиган кишига айланади. Бошқача айтганда, «оммавий маданият» кишига инсонийлик, шахс мартабасини берадиган миллий маънавиятдан, тарихий хотирадан маҳрум этади, «илдизсиз индивид»ларни шакллантиради.

Бунинг оқибатида ҳаётини тартибга солувчи ва фаолиятини йўналтирувчи қадриятлар тизимидан маҳрум бўлган одамлар ё ўта асабий ҳолатга ёки чуқур тушкунлик ҳолатига тушади. Улар ўзини хавф остига қўйиб, таваккал иш кўрадилар, даҳқавий манфаатларини кўзлайдилар ва бу билан ижтимоий тизимнинг таркибий элементларини сақлаш ва қайта яратиш жараёнида иштирок этмай қоладилар.

«Оммавий маданият»нинг асосий унсури бўлган «поп-психология» жамият олдидаги масъулиятни ўлдиради. Зеро, унинг таянчи — «даромад, фойда ғояси ва бугун ҳамма нарсани, жумладан, ҳаёт ва соғлиқни ҳам сотиб олиш мумкинлигига бўлган ишонч»дир. (В.Г.Федотов) Бу мафкурани оммалаштиришда телевидение имкониятларидан кўпроқ фойдаланилмоқда.

Бу фикр халқ маданияти ва маънавияти билан боғлиқ ҳолда талқин этилса, бундай ҳаракатларнинг халққа, жамиятга ялпи «манқуртлик касали»ни юқтиришдан ўзга нарса эмаслиги аён бўлади. Тарихий хотирадан маҳрум этилган халқ, миллат эса ўзлигини йўқотади, истаган кўйга солиш мумкин бўлган «хомашё»га айланади.

Бутун дунёга азал-азалдан эзгулик, меҳр-мурувват, Ватан туйғуси ва бошқа қадриятларни ёйиш, ҳар бир шахснинг инсонийлик мартабасига эришишига хизмат қилиб келган маданият, санъат салбий равишда коммерциялашиб, ижтимоий муносабатларни, эзгу туйғуларни, юксак фазилатларни шакллантириш вазифасидан бир қадар узоқлашаётганини инкор этиб бўлмайди. ОАВ эса маданият, санъат либосидаги маҳсулотларни тарғиб этиш орқали асосан Ғарбга хос бўлган — одамларнинг кўнглини очиш ва уларни пул, бойлик, фойда, ҳокимият ва чек-чегарасиз истаклар олами билан «қитиқлаш» ишини бажармоқда. Афсуски, Ўзбекистондаги айрим хусусий нашрлар, телевидение тармоқлари ҳам билиб-билмай, ўйламай-нетмай кишиларда истеъмолчилик кайфиятини уйғотадиган «ахборот»ларни тарқатишга, қадриятларимизга, халқимиз менталитетига зид ғоялардан андоза олиб кўрсатувлар тайёрлашга йўл очиб бермоқдалар.

Бугунги глобаллашув шароитида эса турли шаклдаги, хусусан, «оммавий маданият» кўринишидаги мафкуравий хуружларга қарши кураш, бунинг учун «халқни — халқ, миллатни — миллат» қилиш Ўзбекистон мустақиллигини асраб-авайлаш, жамиятдаги барқарорликни сақлашнинг муҳим воситасидир.

Шунинг учун ҳам ҳозирги шароитда «оммавий маданият» либосини ҳаммага кийгизмоққа бўлаётган уринишларга асло бефарқ қараб бўлмайди. Элга ҳар соҳада намуна бўлган зиёлилар, одамларни эзгуликка чорлаб келган санъат аҳли, ижтимоий фикрни шакллантиришдек масъулиятли иш зиммасига юклатилган оммавий ахборот воситалари ходимлари олдида турган энг муҳим вазифа — одамларни бундай мафкуравий тазйиқлардан, ахборот хуружларидан ҳимоялаш, уларнинг маънавий салоҳиятини ошириш ва ғоявий иммунитетни шакллантиришдан иборат.

Жаҳонгир ТЎЙЧИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

«ҒАЛЛАБАНК»

республика акциядорлик тижорат банки жамоаси

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан мамлакатимиз барча журналистлари, матбаа ва нашриёт ходимларини самимий муборакбод этади!

Сиз азизларни касб байрамингиз билан қутлаб, машаққатли, айни дамда шарафли ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Ҳурматли ватандошлар, тадбиркорлик субъектлари ҳамда хорижий сармоядорлар!

Республика акциядорлик тижорат банки «Ғаллабанк»

ўз акцияларининг навбатдаги эмиссиясини маълум қилади.

Банк акциялари «Тошкент» Республика Фонд биржасининг акциялар листинги бўйича энг юқори бўлган «А» гуруҳига киритилган. «Moody`s Investors Service» халқаро рейтинг компанияси томонидан Республика акциядорлик тижорат банки «Ғаллабанк»га «B3/NP/E+» халқаро рейтинг баҳоси берилган бўлиб, бу ўз навбатида банкнинг барқарор фаолиятини тасдиқлайди.

«Ғаллабанк» акцияларини «Тошкент» Республика Фонд биржаси ва унинг худудий филиаллари савдо шохобчаларидан сотиб олишингиз мумкин.

Банк акцияларини сотиб олмоқчи бўлган инвесторлар учун қўшимча маълумот:

— акцияларга йўналтирилган маблағлар манбаи кредит, ссуда ёки бошқа қарз маблағлари эвазига олинмаганини тасдиқловчи хизмат кўрсатувчи банк томонидан бериладиган маълумотнома тақдим этилади;

— Ўзбекистон Республикаси норезидентлари, эллик фоиздан ортиқ акциялари (иштирокчилик бадаллари) Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг эгалигида, фойдаланувида ва (ёки) тасарруфида бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари — юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки рухсати билан банк акцияларини сотиб олишлари мумкин;

— Оффшор зоналарда рўйхатга олинган норезидентлар банк акцияларини сотиб олишлари мумкин эмас.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19 декабрдаги 3831-сонли Фармонига мувофиқ, 2007 йилдан бошлаб бирламчи бозорда сотиб олинган банк акциялари бўйича тўланадиган дивидендлар 2010 йилга қадар солиқ тўланишидан озод қилинган. Шунингдек, юридик шахслар томонидан банк акцияларига йўналтирилган маблағлар фойда солиғи ва ягона солиқ тўлов базасининг тенг миқдорида камайтирилиши каби имтиёзлар мавжудлигини эслатиб ўтамиз.

Маълумот учун телефонлар:
236-16-17, 236-11-05
WWW.GALLABANK.COM

«Ғаллабанк» хонадонингизга барака келтирсин!

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ СОЛИҚ БОШҚАРМАСИ

қуйидаги иншоотни капитал реконструкция қилиш учун пудратчи ташкилотни танлаш бўйича очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Узун тумани Давлат солиқ инспекциясининг маъмурий биносини капитал реконструкция қилиш.

Иншоотнинг бошланғич нархи — 343,937 млн. сўм, **қурилиш муддати** — 135 кун.

Буюртмачи: Сурхондарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси.

Манзили: Термиз шаҳри, М.Қаҳҳор кўчаси, 23-уй.

Тел/факс: (8-376) 222-77-23, 223-29-64.

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — **Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ўз маблағлари** ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқароликмуомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Сурхондарё вилоят Давлат солиқ бошқармасига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳри, М.Қаҳҳор кўчаси, 23-уй. Тел/факс: (8-376) 222-77-23, 223-29-64.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Термиз шаҳри, М.Қаҳҳор кўчаси, 23-уйда ўтказилади.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«FARG`ONAAZOT» ОАЖ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Объект номи:

«FARG`ONAAZOT» ОАЖДА АМ-76 АММИАК ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КАПИТАЛ ТИКЛАШ-ТАЪМИРЛАШ ЭЛЕМЕНТЛАРИ БИЛАН РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ» ҚМИ

Муддати — 30.09. 2009 йил

Буюртмачи: «Farg`onaazot» ОАЖ

Манзили: Фарғона шаҳар, У.Юсупов кўчаси, 222-уй, тел/факс: 222-20-02, 222-67-70

Қурилиш-монтаж ишлари Ўзбекистон Республикаси Ривожлантириш ва реконструкциялаш фонди, «Ўзсаноатқурилишбанк» кредити ва буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқга эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, К.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

АТИБ «ИПОТЕКА-БАНК» ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Объект номи:

«ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ, ФАРҒОНА ШАҲАР АТИБ «ИПОТЕКА-БАНК» ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ БИНОСИНИ КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ» ҚМИ

Муддати — 01.10. 2008 йил

Буюртмачи: АТИБ «Ипотекабанк» Фарғона филиали

Манзили: Фарғона шаҳар, Қомус кўчаси, 38-уй, Тел.: 224-33-59, 224-91-80

Қурилиш-монтаж ишлари буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқга эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, К.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

XORIJDA

ПАРЛАМЕНТ САҚЛАБ ҚОЛИНДИ

Исроил бош вазири Эҳуд Олмерт чоршанба куни парламентнинг ўз-ўзидан тарқаб кетишининг олдини олди ва «Авода» партиясини амалдаги коалицияда қолишга кўндирди. РИА Новостининг хабарига кўра, партия депутатлари парламентни тарқатиб юбориш учун овоз беришдан бош тортди. Эслатиб ўтамиз, «Авода» партияси бош вазир Эҳуд Олмерт истеъфо берсагина коалицияда қолишини маълум қилган.

ЦВАНГИРАЙ АДОЛАТ ИСТАЙДИ

Зимбабве мухолифат етакчиси Морган Цвангирай халқаро ҳамжамиятни президент Роберт Мугабени айбламасдан, мамлакатда адолатни ҳарбий йўл билан ўрнатишга чақирди, деб хабар беради The Gardian. Цвангирай БМТдан аҳолини «қийновчи»лардан ҳимоя қилиш ва демократик жараёнларни таъминлаш учун мамлакатга тинчликпарвар кучларни киритишни сўради. Зимбабведа демократияни ўрнатишнинг кейинги босқичи сифатида мухолифат раҳбари янги президент сайловини ўтказишни айтиб ўтди. Шунингдек, Цвангирай қуролли низони истамаслигини ҳам таъкидлади.

Эслатиб ўтамиз, яқинда Цвангирай ўз тарафдорлари намойиши тарқатиб юборилгани учун сайловда иштирок этишдан бош тортган эди.

ДЭВИД ВЕНЕСС ИСТЕЪФО БЕРДИ

БМТнинг хавфсизлик масалалари бўйича бош котиб ўринбосари Дэвид Венесс 2007 йил 11 декабрида Жазоир пойтахтида юз берган террорга дахлдор ишдаги хатолик туфайли истеъфога чиқди. France Press хабарига кўра, ўша қўпорувчилик натижасида 41 киши ҳаётдан кўз юмган. Улардан 18 нафари БМТ ходимлари эди. Террор сабабини аниқлаш учун БМТ бош котиби Пан Ги Мун 2008 йил январь ойида махсус комиссия тузган эди. Комиссия хулосасида қайд этилишича, ташкилотнинг бир неча ходими қўпорувчиликнинг олдини олиш бўйича ўз вақтида керакли чора кўрмаган. Комиссиянинг ҳисоботидан сўнг Дэвид Венесс ўз ихтиёри билан лавозимини тарк этди.

«ГРУЗИЯНИНГ ЯНГИ ДЎСТЛАРИ»

«Грузиянинг янги дўстлари» гуруҳи Варшавада учрашди, деб хабар беради РИА Новости. Учрашувда Грузиянинг НАТО ва Европа Иттифоқи билан ҳамкорлиги муҳокама этилди. Йиғилишни Польша ташқи ишлар вазири Радослав Сикорский олиб борди. 2005 йилда ташкил этилган мазкур гуруҳ Украина, Швеция, Чехия, Польша, Болгария ва Руминиядан иборатдир.

ЭНГ ТОЗА ЭНЕРГИЯ МАНБАИ



25-27 июнь кунлари Москвада ATOMCON 2008 халқаро кўргазмаси ва конгресси бўлиб ўтади, деб хабар беради РИА Новости. Унда атом энергияси бўйича Халқаро агентлик (МАГАТЭ) раҳбарлари ва дунёнинг етакчи атом корпорациялари вакиллари иштирок этади. «Ҳозирги кунда кўплаб мамлакатлар ўз иқтисодини ривожлантириш учун энг самарали, экологик тоза ва барқарор энергия манбаси сифатида атом энергиясини танламоқда. Бу борада ахборот, тажриба ва билим алмашиш муҳим аҳамиятга эга»,— дейди «Росатом» раҳбари Сергей Кириенко. Конгрессда «Росатом», ТВЭЛ корпорацияси, «ОАО «Интер РАО ЕЭС», «Атомредметзолото» раҳбарлари чиқиш қилиши кўзда тутилган.

ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ҚУРИШ НИЯТИДА

Японияннинг «Кансай дэнриоку» ва «Шарп» компаниялари мамлакатнинг Сакаи туманида қуёш батареялари билан ишлайдиган электр станцияси қуриш ниятида. Лойиҳа раҳбарларининг сўзларига кўра, янги станция ҳар йили ҳавога чиқадиган заҳарли газлар миқдорини ўн минг тоннага камайтириш имконини беради.

Маълумотларга қараганда, дунёдаги энг йирик ушбу электр станцияси 2011 йилда ишга туширилади. Мазкур лойиҳага тахминан беш миллиард иена (қарийб эллик миллион АҚШ доллари) миқдорида маблағ сарфланиши кутилмоқда.

КЕМА ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

Филиппинда «Prinsess of starz» кемасининг ҳалокатга учраши оқибатида ўндан зиёд киши ҳаётдан кўз юмди, юзлаб одамлар бедарак йўқолди. Маълумотларга қараганда, бахтсиз ҳодисага «Фэншэнь» тўфони сабаб бўлган.

Мамлакат қутқарув хизмати вакилларининг сўзларига кўра, «Prinsess of starz» кемасида саккиз юзга яқин йўловчи бўлган. Айни вақтда қидирув-қутқарув ишлари олиб борилмоқда.

Оила тиббий маданияти

БОЛАЛАРГА БИРИНЧИ ТИББИЙ ЁРДАМ...

Фарзандимизнинг жисмонан бақувват, соғлом, маънан баркамол, келажакда комил инсон бўлиб воғга етиши кўп жиҳатдан оиладаги соғлом турмуш тарзи, тиббий маданиятга боғлиқдир.

Миллий урф-одатларимизга кўра, хонадонларда, бола тарбиясига, сулолалар софлигига алоҳида аҳамият қаратамиз.

Биз бутун янги даврда яшаяпмиз, тиббиёт тараққий этган, келгуси авлодимизни жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш учун энг замонавий тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятига эгамиз. Бу яхши, албатта. Аммо ҳамма ота-оналар бу имкониятлардан тўлиқ ва тўғри фойдаланяптими?

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Педиатрия мажмуасининг бош шифокори, олий тоифали шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Ҳилола АЛИМОВА билан суҳбатимиз шу ҳақда.



— Ҳилола Пўлатовна, марказнинг педиатрия мажмуаси болалар орасида учрайдиган кўпроқ қайси хасталикларни даволашга ихтисослашган?

— Клиникамиз кўп тармоқли тиббий муассаса ҳисобланади. Шу боис турли хасталикка чалинган беморларга тиббий хизмат кўрсатади.

Клиникамиз энг замонавий тиббий техникалар билан таъминланган, малакали шифокорлар меҳнат қилади. Ҳар бир беморга махсус монитор қўйилган. Бемор болаларнинг ҳолати шу монитор орқали изчил кузатиб турилади. Жарроҳлик бўлимимизда зарурат туғилганда беморга бир вақтнинг ўзида 3 та касаллик бўйича (беморнинг буйраги ва оёғи шикастланган, аммо унинг жигарида ҳам нуқсон бор бўлиши мумкин) жарроҳлик ёрдамида муолажа қилиш имкониятига эгамиз.

Бўлимимиз 225 ўринга мўлжалланган бўлиб, кунига 90-100 нафаргача бемор болаларни қабул қилади. Шулардан 40-50 фоизи олиб қолинади ва уларга керакли бўлган тиббий муолажа кўрсатилади. Қолганларига тегишли маслаҳатлар берилади.

— Болалардаги хасталиклар сабаблари нимада деб ўйлайсиз?

— Аввало, аҳоли, ота-оналарнинг тиббий маданиятини оширишимиз керак. Кўпчилик оилаларда бола шамолласа, унчалик аҳамият беришмайди, ўтиб кетади, деб қўйишади. Лекин мана шу шамоллаш ўпкага таъсир қилса-чи? Айниқса, болаларда шамоллаш тез ўпкага ўтиши мумкин. Яна баъзи ота-оналар бола касал бўлиб ёки йиқилиб катта бўлади дейишади. Бу — нотўғри. Чунки, болаликда орттирилган касалликни вақтида даволамаса, у улғайгач, хасталикнинг оғир асоратлари сезилади.

Яна бир муҳим вазифа — болани тўғри овқатлантириш. Болага бир ёшгача иложи борича «қозон» овқатидан бермаслик керак. Шунгаям кўп нарса боғлиқ. Бир ёшгача бўлган болаларнинг тез-тез касалланиши онанинг ҳомиладорлиги носоғлом кечганидан далолат беради.

Юқорида айтиб ўтганимдек, оилада тиббий маданиятни ошириш энг муҳим вазифа. Чунки, фарзандидаги касалликнинг бошланишини биринчи бўлиб сезадиган ва биладиган — ота-она.

Мен шифокор сифатида кунига 20-30 нафар ёш болали аёлларни қабул қиламан. Кўпгина оналар маслаҳат сўрайди, ишонасизми, 100 нафар онадан нари борса 2-3 нафари берган маслаҳатимни ёзиб олади. Қолганлари эшитиб чиқиб кетишади. Ҳалиги ёзиб олгани амал қилиши мумкин, қолганлари-чи?! Бундай ота-онанинг боласи соғлигига бўлган муносабатини мана шундан ҳам билса бўлади.

Соғлом бола — соғлом авлод, соф сулола демакдир. Зеро, шажараларимизнинг боқийлигини фарзандларимизга бугун биз кўрсатаётган ғамхўрлик, малакали тиббий хизмат, уларга соғлом муносабатимиз белгилаб беради.

Боланинг биринчи тиббий ёрдамчиси — ота-она, оиладаги соғлом маънавий муҳит, тиббий маданият, юксак савия, зийраклик ва меҳрибонлик унинг соғлигининг ишончли соқчисидир.

Суҳбатдош:
Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: *Бош шифокор Ҳилола Алимова ва бош ҳамшира Юля Набижонова.*

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

ГАЗЕТА СОТУВЧИ МУРОД

ва унинг йигирма йиллик мижозлари

Матбуот нашрларига энг тўғри баҳони газета сотувчилар бериши мумкин. Улар учун бундан осони йўқ, кузатиш ва ҳисоб-китобларини айтишса, бас. Ва яна нашрларнинг ўқишли, харидоргир бўлишини ҳаммадан кўра улар кўпроқ исташса керак. Чунки бу хоҳиш савдонинг оддий қонидасига асосланган: қандай мол билан савдо қилишингдан қатъи назар, қанча кўп сотсанг, даромадинг ҳам шунча ошади.

Мурод Ҳақназаров — Тошкент шаҳрининг қоқ маркази — Амир Темур хиёбони яқинида жойлашган матбуот дўкони сотувчиси. Эрталаб олти яримда ўз дўкончасида бўлади. Сал ўтмай «Матбуот тарқатувчи» акционерлик компаниясига қарашли «Дамас» у буюртма қилган нашрларни олиб келади. Соат еттига қолмай, «маънавий мол»лар дўкон пештахтасига чиройли қилиб тахланган бўлади.

Мурод 20 йилдан буён худди шу нуқтада савдо қилади. Бу давр ичида одамлар ҳам, матбуот нашрлари ҳам ўзгарди. Аммо харидорларнинг 50-60 фоизи доимий мижозлардир. Уларнинг исми-шарифини билмаса-да, аксариятининг чеҳраси таниш, қайси газетани ўқиши ёд бўлиб кетган. Айтмасиданоқ, кераклиларини бир зумда тахлаб узатади.

Масалан, ёзувчи Эркин Усмонов «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг битта сонини ҳам канда қилмай олади. У ҳар сафар янги китоби чиққанида биттасини дастхати билан Муродга совға қилади. Яна бир мижози — Виталий Сергеевич «Правда Востока»нинг мухлиси. Пенсионер дўконга эрта тонгда келади, газетасиз нонушта татимайди, дейди ҳазиллашиб.

Мурод қайси нашрлар куннинг қайси пайтида «кетиши»ни яхши билади. Жиддий, ижтимоий-сиёсий газеталар асосан эрталаб — одамлар ишга, ўқишга отланган пайтда сотилади. Бундай нашрларни кечки пайт — ишдан қайтишда ҳам сўрайдилар. Енгил, кўнгилочар газеталар эса кун бўйи кетаверади.

Газета дўкони ёнида бироз кузатиб турдим. Кимдир «Халқ сўзи», «Народное слова»ни, кимдир «Правда Востока», «Маърифат», «Туркистон»ни сўрайди. Ҳар бир нашрнинг ўз ўқувчиси бор. Уларнинг ёши, касби турлича. Табиийки, қизиқишлари, дунёқарашлари ҳам.

Мижозлардан бири Дилоромнинг касби иқтисодчи, «Ипотека банк»да ишларкан.

— «Оила ва жамият»ни севиб ўқийман, — деди у. — Турмушнинг аччиқ-чучугини тушунишга ёрдам беради. Баъзи мақолалар ўз ҳаётимдаги қийинчиликларни енгишга, сабр-бардошли бўлишга ўргатди. Фарзандларим ҳам бу газетани севиб ўқишади.

— Газетани ҳам худди кийим-кечак, озиқ-овқат каби...

— Инсон учун жуда муҳим деб ҳисоблайман, — дейди Дилором.

Мурод суҳбат орасида ҳам савдо қилаверади. Кўзини юмиб туриб ҳам, керакли газетани жойидан топа олади ва нархини айтади. Ўз ишининг пири бўлиб кетган.

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, бошқа тур мол сотувчилари билан газета сотувчилари орасида қандай фарқ бор? Масалан, музқаймоқ сотувчи текин музқаймоқ ея олмайди, газета сотувчиси эса ўзи сотаётган нашрларни бемалол ўқиши мумкин.

— Харидорлар кам пайтда бундай имкониятдан албатта фойдаланаман, — дейди суҳбатдошимиз. — «Жиддий»ларини ҳам, «енгил»ларини ҳам ўқийман. Кўпинча, кўнгилочар газеталардаги ҳикояларда бир-бирига эгизакдек ўхшаш воқеа ва сюжетларни учратаман. Қаҳрамонларнинг исми ўзгартирилади, холос. Кроссвордларда эса ноаниқликлар, чалкашликлар жуда кўп...

Суҳбатни якунлар эканман, газетамизнинг бугунги сонига кўз югуртириш нияти туғилди.

— «Ўзбекистон овози» тугаганди-я, — сал хижолат бўлди у. — Охиргисини боя устоз Абдулла Ориповнинг ҳайдовчиси олиб кетганди... Кўнглим тоғдай кўтарилди. Бу хурсандчиликнинг боисини газетада ишлаган ҳар бир киши яхши тушунади...

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: *Мурод Ҳақназаров; газеталар харидорлари.*

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«FARG`ONAAZOT» ОАЖ *ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:*

Объект номи:

«НАМАНГАН ВИЛОЯТИ, ПОП ТУМАНИДАГИ «МИРСУЛТОН ОТА ФАЁЗОВ» Ф/ХГА ҚАРАШЛИ 14 ГА. БУҒДОЙ БИЛАН ПАХТАНИ АЛМАШЛАБ ЭКИШ МАЙДОНИДА ТОМЧИЛАБ СУҒОРИШ ВА ЁМҒИРЛАТИШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ» ҚМИ

Муддати — 25.08.2008 йил. **Буюртмачи:** «Farg`onaazot» ОАЖ.
Манзили: Фарғона шаҳар, У.Юсупов кўчаси, 222-уй, тел/факс: 222-20-02, 222-67-70.
Қурилиш-монтаж ишлари буюртмачининг шахсий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, К.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР ТАШАББУСИ

Мана ўн тўрт йилдирки, Тошкент Автомобиль йўллари институтининг «Автомобиль йўллари ва аэропортлар» кафедрасида «Оқ йўл» талабалар бюроси фаолият олиб бормоқда. Бугун у лойиҳалар бюросига айланиб улгурганини ёшларимизнинг чинакам ютуғи, деб айтиш мумкин. Бу эса бизда таҳсил олаётган талабаларимизнинг изланувчанлигидан, яратувчанлигидан далолат беради. Ана шу саъй-ҳаракатлар бугун ўз самарасини бериб, ҳатто бюро бу борада ўзига хос мактаб вазифасини ўтамоқда. Катта ўқитувчи Аслиддин Ўроқов бошчилигидаги гуруҳ томонидан «Ўзавтойўл» ДАК корхоналари буюртмасига асосан автомобиль йўлларини паспортлаштириш, жиҳозлаш, транспорт йўлларини ўрта ва мукаммал тарзда таъмирлаш ҳамда реконструкция қилиш бўйича лойиҳалар тайёрланмоқда.

Ана шу лойиҳаларни такомиллаштиришда А.Облоқулов, А.Шоҳидов, А.Қодирова, Ф.Икромова каби профессор-ўқитувчилар ўз малака ва касбий кўникмаларини ёш тадқиқотчиларга ўргатиб келишмоқда. Шунингдек, талаба ва магистрантлар назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаётгани эътиборга моликдир. Энг муҳим жиҳати шундаки, ёшларнинг ушбу бюрода яратган лойиҳалари илмий ишларида ҳам қўл келмоқда.

Қашқадарё, Навоий, Фарғона, Жиззах вилоятлари ҳамда Паркент, Янгийўл, Оққўрғон, Юқори Чирчиқ ва Қибрай туманларидаги умумий автомобиль йўллари, «Қорасув-Бекобод» автомобиль йўлларини тўлиқ таъмирлаш бўйича лойиҳасини тайёрлашда бюрода фаолият юритаётган ёшларнинг хизмати катта бўлди. Эътиборлиси шуки, бу каби амалий ишлар мунтазам равишда корхоналар билан шартнома асосида олиб борилади. Буюртмачилар томонидан институт ҳисобига тушириллган маблағлар эса иқтидорли талабаларга берилади. Бу ҳам ўзига хос рағбат. Энг муҳими, ёшларни талабалик давридаёқ касбга йўналтирилганлигидадир.

Демоқчи бўлганимиз, «Оқ йўл» бюросидаги ташаббускор ва заковатли талабалар бугунги шарт-шароитлардан оқилона фойдаланаётган ёшларимиздандир. Ана шундай ёшларимизнинг сафи кенгайиб бораверса, юртимиз келажаги бундан-да ёруғ ва бундан-да фаровон бўлишига ишончимиз комил.

Дилфуза МАҲМУДОВА,
Тошкент Автомобиль йўллари институти катта ўқитувчиси.

ИКСЕЗ Ташоблхокимиата извещает о ликвидации МГП «Ал-Регистан. За справками обращаться по телефону: 257-18-48».

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 20 июндаги 187-сонли буйруғига биноан тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган талабалар учун тўлов миқдори ошганлигини маълум қилади.
Бакалавриат йўналишлари учун тўлов миқдори — 1200000 сўм.
Магистратура йўналишлари учун тўлов миқдори — 1320000 сўм.
Андижон Давлат тиббиёт институти маъмурияти

ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари»

объявляет тендер №6, 2008 года на приобретение одного скоростного пассажирского тепловоза согласно графика поставки (3-4 квартал 2008 года).

За тендерной и технической документацией обращаться по адресу: г.Ташкент, ул. Т.Шевченко, 7, ГАЖК «Ўзбекистон темир йуллари» Управление «Темирйўлёнилғитаъмин», комната 410 тел: 237-94-72, 237-96-33.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Alisher RO`ZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 549
12311 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.45
Topshirilgan vaqti — 23.15
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda